YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

2026-yil, 25-avgust, seshanba
№104 (5324)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ МУКОФОТЛАНДИ

Мукофотланганлар рўйхати билан қуйидаги QR код орқали танишинг:

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ МУКОФОТЛАНДИ

Мукофотланганлар рўйхати билан қуйидаги QR код орқали танишинг:

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ МУКОФОТЛАНДИ

Мукофотланганлар рўйхати билан қуйидаги QR код орқали танишинг:

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗ МУКОФОТЛАНДИ

Мукофотланганлар рўйхати билан қуйидаги QR код орқали танишинг:

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА ФАРМОНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Фармон матни билан қуйидаги QR код орқали танишинг:

# КАСПИЙ ОША ТУТАШГАН МАНФААТЛАР

*Ўзбекистон ва Озарбайжон қардошлик ришталарини янги иқтисодий мазмун билан бойитмоқда*

**Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларида янги босқични бошлаб берди. Унинг энг муҳим сиёсий натижаси Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши бўлди. Мазкур ҳужжат Тошкент ва Бокунинг ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда муштарак келажакни биргаликда қуришга қаратилган сиёсий иродасини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.**




Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурида Пенсия таъминоти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим; Маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим; Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим; 2030 йилга қадар товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш бўйича дастур; Инвестициялар ва савдо соҳасида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси; Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2027-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури; Адлия вазирликлари ўртасида 2027-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури; Кинология соҳасида тажриба алмашиш ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум; Урганч ва Хонкенди, Бухоро ва Лочин, Урганч ва Нахчивон шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги баённомалар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари икки давлат президентларининг музокаралар якунлари бўйича ОАВ вакиллари учун баёнотида «Озарбайжон – ишончли иттифоқчимиз, стратегик ҳамкоримиз ва биз учун қардош давлат», дея муносабатларнинг бугунги даражасини бир жумлада аниқ ифодалаб берди. Яъни, иттифоқчилик – сиёсий ишончни, стратегик ҳамкорлик – узоқ муддатли манфаатларни, қардошлик эса халқларни боғлаб турган тарихий ва маънавий яқинликни англатади.

Дўстликнинг ҳам манзиллари бўлади. Ташриф кунларида ана шундай манзиллардан бири Янги Тошкентда пайдо бўлди. Бу ерда Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университетининг янги кампуси очилди. Президентларнинг Низомий ҳайкали ёнида дарахт экиш маросимида қатнашиши Тошкентдаги Низомий ва Бокудаги Навоий ҳайкаллари, Фузулийдаги Мирзо Улуғбек мактаби, Янги Тошкентда қад ростлайдиган «Озарбайжон» боғи, икки буюк шоир ҳақида тасвирга олинажак қўшма фильм билан бир маънавий занжирга уланди. 2027 йилги FIFA U-20 жаҳон чемпионатига икки давлатнинг биргаликда мезбонлик қилиши эса бу яқинликнинг янги авлодлар силсиласида ҳам давом этишини таъминлаб беради.

Қорабоғда амалга оширилган бунёдкорлик лойиҳалари Ўзбекистон – Озарбайжон дўстлигининг амалий ифодасига айланди. Ўзбекистон Фузулийда Мирзо Улуғбек номидаги 960 ўринли мактабни барпо этди, Хонкендида эса қўшма тикувчилик корхонаси ишга туширилди.

Узоқ вақт Марказий Осиё билан Жанубий Кавказни ажратиб турган Каспий энди уларни бирлаштирувчи йўлга айланмоқда. Бу билан икки мамлакат имкониятлари бир-бирини тўлдириши шубҳасиз. Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп давлати, минтақадаги йирик саноат ва истеъмол бозорларидан бири. Озарбайжон эса Каспийдаги стратегик мавқеи, Боку порти ҳамда Жанубий Кавказ орқали Туркия ва Европа бозорларига чиқиш имконияти билан минтақалараро савдонинг муҳим бўғини ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида умумий қуруқлик чегараси йўқ. Шунга қарамай, муштарак манфаатлар кенгайган сари жуғрофий масофанинг иқтисодий тўсиқ сифатидаги таъсири ҳам камайиб бормоқда.

Илҳом Алиев Марказий Осиё ва Озарбайжонни улкан ўсиш салоҳиятига эга ягона геосиёсий ва геоиқтисодий минтақа сифатида таърифлади. Албатта, бу сўзлар янги сиёсий иттифоқ тузиляпти, деган маънони англатмайди. Унинг замирида ишлаб чиқариш, транспорт, энергетика ва бозорлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро эҳтиёж ётибди. Озарбайжон – Ўзбекистон учун Туркия ва Европа бозорларига олиб чиқадиган муҳим транзит бўғини. Ўзбекистон эса Озарбайжонга Марказий Осиёнинг йирик бозори ва саноат салоҳияти билан кенгроқ боғланиш имконини беради.

Сўнгги йиллардаги сиёсий мулоқот савдо, сармоя, энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат кооперацияси ва логистикадаги амалий лойиҳалар билан ҳам тобора мустаҳкамланиб боряпти.

Иқтисодий кўрсаткичлар сиёсий яқинлашувнинг амалий натижаларга айлана бошлаганидан далолат беради. 2017 йилда 32,5 миллион долларни ташкил этган ўзаро савдо ҳажми 2025 йилга келиб, 307,3 миллион долларга етди. Демак, саккиз йилда қарийб 9,5 баравар ўсиш кузатилди. 2026 йилнинг биринчи ярмида эса 170,3 миллион долларлик товар айирбошланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,8 фоиз кўп. Яна бир муҳим кўрсаткич: 2026 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистонда Озарбайжон капитали иштирокидаги 473 та корхона рўйхатдан ўтган.

Илҳом Алиев Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ҳам янги босқичга олиб чиққанини алоҳида таъкидлар экан, «Шавкат Мирзиёев ва унинг жамоаси томонидан Ўзбекистон учун қилинган ишлар ва бу ислоҳотлар бўлмаганида, бирорта ҳам ҳамкорлик лойиҳасини амалга оширишнинг имкони бўлмасди», деди.

Ҳамкорлик кўлами банк-молия, қурилиш материаллари, нефть-газ, таълим, туризм, уй-жойсозлик, тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалигини қамраб олмоқда. Бир неча йил аввал тузилган Ўзбекистон – Озарбайжон инвестиция компанияси истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Корхоналар ва банклар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, ҳудудларда янги иш ўринлари яратилгани сари сиёсий яқинликнинг иқтисодий таянчи ҳам кучайиб боради.

Лойиҳаларнинг мазмуни, технологик даражаси ва қанча қўшимча қиймат яратиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хомашё экспортидан мукаммал қайта ишлашга, оддий олди-сотдидан қўшма ишлаб чиқаришга ўтиш икки иқтисодиёт ўртасидаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади. Автомобилсозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари, боғдорчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ҳамкорлик икки мамлакат корхоналарини ягона қиймат яратиш занжирига боғлаши мумкин. Бундай ўзаро манфаатдорлик сиёсий муносабатлар барқарорлигининг энг ишончли кафолатларидан биридир.

Томонлар 2030 йилга қадар ўзаро савдо ҳажмини бир миллиард долларга етказиш дастурини қабул қилди. Бу маррага етиш, энг аввало, транспорт имкониятларига боғлиқ. Ўзбекистон – жаҳон океанига чиқиш учун камида икки давлат ҳудудидан ўтиши керак бўлган дунёдаги икки мамлакатдан бири. Шу сабаб ҳар бир янги йўналиш ташқи савдодаги танлов имкониятини кенгайтиради, муайян йўлга қарамликни ва юк ташувидаги узилишлар хавфини камайтиради. Марказий Осиёдан Каспий, Озарбайжон, Грузия ва Туркия орқали Европа сари йўналадиган Ўрта йўлак Ўзбекистон учун ана шундай муқобил имконият ўлароқ кўриляпти. Озарбайжон бу йўлакнинг Каспийдан ғарбга чиқишидаги асосий транспорт тугуни ҳисобланади. Ўзбекистондан юк оқимининг кўпайиши, ўз навбатида, Озарбайжоннинг минтақаларо транзит маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Шу тариқа Ўзбекистоннинг ташқи бозорларга чиқиш эҳтиёжи Озарбайжоннинг транспорт ва порт салоҳияти билан туташади.

Шавкат Мирзиёев музокаралар якунида бу йўналишдаги мақсадни «Транскаспий коридорининг салоҳиятини биргаликда ривожлантирамиз, логистика инфратузилмаси самарадорлигини оширамиз, Каспий денгизида қўшма флот ташкил этиш бўйича ишларни фаоллаштирамиз», дея аниқ белгилаб берди. Унинг амалий давоми сифатида ягона оператор бошқарадиган махсус Ўзбекистон – Озарбайжон транспорт йўналишини яратиш таклифи ҳам илгари сурилди.

Қўшма флот ташаббуси йўлакнинг энг мураккаб қисми – Каспий орқали ташувларни барқарорлаштиришга қаратилган. Зеро, транспорт йўлагининг рақобатбардошлиги тезлик, нарх ва барқарорликка боғлиқ. Экспортчи юкини битта операторга топшириб, расмийлаштириш жараёнларини «ягона дарча» орқали ҳал қилса, етказиб бериш муддати ва умумий харажатни олдиндан ҳисоблай олади. Ана шу шартлар таъминланса, Каспий йўналишдаги мураккаб оралиқ ягона транспорт занжирининг ишончли бўғинига айланади.

Ўзгаришлар ҳозирданоқ сезиляпти. Ўрта йўлак орқали ташилаётган Ўзбекистон юклари ҳажми 25 фоизга ортиб, йилига бир миллион тоннадан ошди. Озарбайжон билан автомобиль ташувларида E-Permit – электрон рухсатномалар тизими жорий этилди.

Ўрта йўлак қурилаётган Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўли билан узвий боғланса, Хитойдан Марказий Осиё, Каспий, Жанубий Кавказ ва Туркия орқали Европагача чўзилган янги транспорт занжири шаклланади. CASPIA таҳлилий маркази директори ва ҳаммуассиси Орхан Йўлчуевнинг фикрича, бу Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги йирик юк оқимларини жамловчи марказлардан бирига, Озарбайжонни эса уларни Каспий орқали ғарб бозорларига олиб чиқувчи асосий транспорт тугунларидан бирига айлантириши мумкин.

Транспортдаги ҳамкорлик энергетика соҳасида ҳам шаклланмоқда. SOCAR Устюрт платосидаги углеводород конларини ўзлаштириш лойиҳасида Ўзбекистоннинг ҳамкори сифатида иштирок этяпти. Айни пайтда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон Марказий Осиёда ишлаб чиқарилган «яшил» электр энергиясини Каспий орқали Европа бозорига узатишга қаратилган лойиҳани илгари сурмоқда. Натижада углеводородларга таянган ҳамкорлик қайта тикланувчи энергия манбалари, янги технологиялар ва электр узатиш тармоқлари ҳисобига кенгаймоқда.

Лойиҳа амалга ошса, Озарбайжоннинг энергетикадаги мавжуд ўрни янада мустаҳкамланади. У Марказий Осиё билан Европа ўртасидаги муҳим энергия узатиш ҳалқаларидан бирига айланади. Ўзбекистон эса «яшил» электр энергияси учун янги экспорт бозори, технология ва сармоя жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур жараёнларнинг минтақавий аҳамияти Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятида ҳам кўзга ташланяпти. Ўзбекистоннинг 2019 йилда тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши ташкилотнинг Марказий Осиёдаги қамрови ва иқтисодий салоҳиятини янада оширди.

Сўнгги йиллардаги минтақавий эврилишларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёда яратган сиёсий муҳити муҳим аҳамиятга эга. 2016 йилдан бошлаб Тошкент қўшни давлатлар билан ишончли мулоқотни тиклаш, чегарадаги тўсиқларни юмшатиш ва йиллар давомида йиғилиб қолган зиддиятларга муроса асосида ечим топиш сиёсатини юритди. Президентимиз 2017 йилда илгари сурган ташаббуси асосида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари йўлга қўйилиб, минтақа ичида мунтазам мулоқот майдони шаклланди.

Озарбайжоннинг 2025 йил ноябрда ушбу форматга тўла ҳуқуқли иштирокчи сифатида қўшилиши мазкур мантиқнинг Каспий орқали Жанубий Кавказ томон кенгайганини кўрсатмоқда. Озарбайжоннинг иштироки мулоқот майдонини Каспий портлари, Кавказ транспорт тармоқлари ва энергетика имкониятлари билан бойитди. Эндиликда Ўзбекистон – Озарбайжон яқинлашувининг қамрови икки давлат ҳамкорлигидан-да кенгроқ. У Марказий Осиё ва Жанубий Кавказни туташтирувчи кўп томонлама ҳамкорлик тизимига асос солмоқда.

Президентлар ўртасида қарор топган шахсий ишонч ҳамкорлик суръатини янада оширди. Илҳом Алиев Ўзбекистоннинг олий давлат мукофоти – «Олий Даражали Дўстлик» ордени, Шавкат Мирзиёев эса Озарбайжоннинг «Ҳайдар Алиев» ордени билан тақдирланди. Бу мукофотлар юксак рамзий аҳамиятга эга. Уларнинг ортида Олий давлатлараро кенгаш, Қўшма инвестиция компанияси, ҳудудлараро алоқалар, ҳамкорликдаги корхоналар ва янги транспорт ташаббусларидан иборат амалий тизим турибди.


Ўзбекистон – Озарбайжон яқинлашувининг энг муҳим хусусияти унинг қарама-қаршилик ғоясидан холи эканида. Бу ҳамкорликнинг мантиғи янги тўсиқлар қуриш ўрнига мавжуд масофаларни қисқартириш, савдо йўлларини кенгайтириш ва икки минтақанинг имкониятларини ўзаро боғлашга таянади. Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ана шу йўлнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосини яратиб берди. Демак, Каспий оша туташган манфаатлар икки давлатнинг муштарак тарихи қаторида, муштарак келажагини ҳам белгилаб бериши шубҳасиз.

**Жаҳонгир НАҲАНОВ**
*«ISHONCH»*

# ЎЗБЕКИСТОН – УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР МАМЛАКАТИ

*АҚШда тақдимоти бўлиб ўтган «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китоби ҳақида*

>> 3




www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши;
тил билан дил бир бўлса яна яхши.
Алишер Навоий

Кўрик-танлов

# ТАШАББУСЛАР ЭЪТИРОФИ

**Самарқандда ўтказилган «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи меҳнат ташкилотларида экологик маданиятни юксалтириш, ишлаб чиқариш жараёнларида атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган замонавий ёндашувларни оммалаштиришга хизмат қилди.**

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг амалий лойиҳалари, инновацион ёндашувлари ва экологик самарадорликка қаратилган ташаббусларини ҳар томонлама баҳолади. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд вилояти филиали, Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти ҳамда Иштихон тумани 2-техникуми бошланғич касаба уюшмалари жамоалари алоҳида эътироф этилди. Шу тариқа улар Республика босқичида иштирок этадиган бўлишди.

– Танлов нафақат эришилган ютуқларни намойиш этиш, балки экологик хавфсизлик соҳасида тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш учун ҳам муҳим майдон вазифасини ўтади, – дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик бўлими бошлиғи Холбўта Нурматов. – Республика босқичида ҳам муносиб иштирок этиб, вилоятимизда амалга оширилаётган экологик ислоҳотларни кенг жамоатчиликка намойиш этиш ниятидамиз.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*







# ЭКОФАОЛ ЖАМОАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашида «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда соҳа вакиллари, масъуллар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини кенг татбиқ этиш ва «яшил иқтисодиёт»га ўтиш жараёнларида фаоллик кўрсатаётган жамоалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда уларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган кўрик-танлов доирасида касаба уюшмалари томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, корхона ва муассасалар ҳудудларида кўплаб мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экилиб, касаба уюшмалари боғлари барпо этилди. Иш жойларида энергия ва сувни тежаш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, зарарли омилларни камайтириш ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича жамоа шартномаларининг бандлари амалда ўз ифодасини топмоқда.

Тадбир якунида танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ғолиб чиққан жамоаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Заҳро РАИМОВА**

Тадбир

**Мустақилликнинг 35 йиллик байрами мамлакатимиз бўйлаб «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз» деган бош ғоя остида кенг нишонланмоқда.**

# ФИДОЙИЛАР ВА ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Жумладан, Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир ҳам ўзгача шукуҳда ўтди. Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида авиация соҳаси нафақат мамлакатимизнинг иқтисодий ва транспорт салоҳиятини намоён этувчи муҳим бўғинга, балки Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва очиқлигини акс эттирувчи ёрқин рамзга айланди. Бугунги кунда фуқаро авиациясини ривожлантириш бўйича пухта ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегия изчиллик билан амалга оширилмоқда. Тизимда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг авиация салоҳияти тубдан юксалди. Авиация техникасига хизмат кўрсатиш ва бошқарув жараёнларига дунёнинг илғор ва инновацион технологиялари фаол жорий этилмоқда. Ҳаво портлари, техник хизмат кўрсатиш базалари ва кадрлар тайёрлаш тизими замонавий стандартлар даражасига етказилмоқда.

Ўзининг катта ва бой тажриба мактаби ва шонли анъаналарига эга бўлган Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Улар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Байрам тадбирида Ўзбекистон фуқаро авиациясининг бугунги юксак парвозлари кечаги кун тажрибаси ҳамда инновациялар ва келажакка бўлган мустаҳкам ишончнинг уйғунлашувидан иборатлиги қайд этилди.

Соҳа фидойилари ва фахрийлар шаънига билдирилган дил сўзлари, куй-қўшиқлар ва рақслар тадбирга ўзгача кўтаринкилик бағишлади.

**Дилдора ДЎСМАТОВА**
*«ISHONCH»*

Касаба уюшмаси аралашгач...

# МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ БЎЛДИ

**«Сурхондарё сув таъминоти» АЖнинг икки нафар ходими – Саттор Худойқулов ва Эркин Пардаев ноҳақ ишдан бўшатилганини айтиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига мурожаат йўллади.**

Шикоятга илова қилинган ҳужжатлар атрофлича ўрганилди. Маълум бўлишича, иш берувчи қонун талабларига бўйсунмай, ходимларни ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишга мажбурлаган.

С.Худойқулов ва Э.Пардаевнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритдик. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, С.Худойқуловга 9 миллион 666 минг сўм ойлик иш ҳақи ва 5 миллион сўм маънавий зарар, Э.Пардаевга эса 6 миллион 373 минг сўм ойлик иш ҳақи ва 3 миллион сўм маънавий зарар пули ундириб берилди.

**Зариф ХОЛОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори*

***

# ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

**2012 йилдан буён «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида линтер участкаси фарроши лавозимида меҳнат қилиб келган Дилфуза Аҳмедова 2015 йил 1 декабрида иш жараёнида оғир тан жароҳати олади. Иш берувчи дастлаб жабрланувчига тегишли ёрдамларни кўрсатди.**

Аммо акциядорлик жамияти шу йилнинг январидан август ойигача бўлган давр учун аёлга товон пулларини тўлаб бермади. Шу боис у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилди. Ўз навбатида, кенгаш томонидан «Учтепа пахта тозалаш» корхонасига тақдимнома киритилди.

Афсуски, иш берувчи мазкур талабни эътиборсиз қолдирди ва масала фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг очиқ мажлисида кўриб чиқилди. Жараён қарздор корхонадан мурожаатчи фойдасига товон пули қарздорлиги учун 10 531 745 сўм, протезлаш харажатлари учун 40 000 000 сўм ҳамда етказилган маънавий зарар сифатида 2 000 000 сўм, шунингдек, почта харажатлари учун 41 200 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилиши билан якунланди.

**Алишер БУРХАНОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси*

Меҳнат муҳофазаси

# ХАВФСИЗ МЕҲНАТ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ҳамкорлигида 2024-2026 йилларга мўлжалланган меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича манзилли дастур қабул қилинган эди.**

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, меҳнат инспекторлари иштирокида «Тошкент ИЭМ» филиалида «Хавфсиз меҳнат асослари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Тадбирда соҳадаги янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, меҳнат хавфсизлигини таъминлашда касаба уюшмаларининг ўрни, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш жойларида хавфсизлик техникаси талабларига риоя этилишини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Айниқса, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш, иш берувчилар томонидан қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш механизмларига алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчилар семинар давомида меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш жараёнида учраётган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ҳамда жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашишди. Меҳнат муносабатлари, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш ва ходимларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб саволларга мутахассислар амалдаги қонунчилик асосида аниқ жавоб ва амалий тавсиялар беришди.

**Нормурод ҲАСАНОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши меҳнат инспектори*

Мусобақа

# СПОРТЧИ ОИЛАЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан таълим соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом оила – мустақил юрт таянчи» шиори остида спорт мусобақаси ташкил этилди. У нафақат соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, балки оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.**

Беллашувларда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан саралаб олинган энг фаол ва спортга қизиқувчан оилалар қатнашди. Улар ўзларининг жисмоний тайёргарлиги, чаққонлиги, эпчиллигини намойиш этдилар, моҳир ҳужумчи, тезлик эстафетаси, арқон тортиш, югуриш ва акробатик элементлар, нишонга тўп отиш, ҳалқа айлантириш, арқонда сакраш, сузиш каби спорт шартларида синашдилар.

– Бугунги кунда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ишчи-ходимларни оммавий спорт турларига жалб этиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев. – Шу маънода касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган бундай спорт мусобақалари меҳнат жамоаларида соғлом рақобат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга хизмат қилади.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси*

**Шайхонтоҳур туманидаги 192-умумтаълим мактабида янги ўқув йили олдидан V Устозлар миллий форумининг туман босқичи ва қатнашчилар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини бўлиб ўтди.**

# МУҲИМ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Тадбирнинг биринчи куни педагоглар, таълим ташкилотлари раҳбарлари соҳадаги устувор вазифаларини муҳокама қилишди. Иккинчи куни иштирокчилар маданий-маърифий дастурда қатнашишди. Ундан сўнг ҳар бири 6 нафар иштирокчидан иборат 26 та жамоа ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди.

– Туманимизда 36 та мактаб, 45 та давлат мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, уларда меҳнат қилаётган 5669 нафар ходим



Миллий форум

касаба уюшмалари аъзоси ҳисобланади, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани кенгаши раиси Донохон Мирзаҳмедова. – Йил бошидан буён уларнинг 80 нафари санаторийларда дам олиш имконига эга бўлди. 33 нафар ходимнинг болалари учун оромгоҳларга, 24 нафари учун сузиш ҳавзаларига йўлланма тақдим этилди. Моддий ёрдам олганлар ҳам 80 нафардан ошиқ. Мазкур тадбир эса уларни маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Унда иштирокчилар таълимда соғлом муҳитни шакллантириш, инклюзив таълим, янги ўқув дастурлари ва режалари ҳамда янги авлод дарсликлари, замонавий ўқитиш методикалари каби муҳим мавзуларни муҳокама қилишди, бу борадаги янгиликлардан бохабар бўлишди, фикр ва тажриба алмашишди.

Форум якунида «Заковат» ўйинида ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларга эсдалик совғалари топширилди.

**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*


Ҳар бир кун учун ҳақ ва ҳақиқат ҳозир нарса.
Абу Райҳон Беруний



Тақдимот

# ЎЗБЕКИСТОН – УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР МАМЛАКАТИ

## *АҚШда тақдимоти бўлиб ўтган «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китоби ҳақида*



Тунов куни қўл телефоним жиринглади.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом, эшитаман...

«Vatan Global Alliance» ташкилотидан қўнғироқ қилишаётган экан.

– Сизни раисимиз Озоджон Солиевнинг топшириғи билан безовта қиляпмиз. Филадельфияда «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобининг тақдимоти бўлиб ўтади. Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатидан меҳмонлар келиши кутилмоқда. Сизни ушбу тадбирда иштирок этишга таклиф қиламиз. Ҳозир китобнинг электрон нусхасини Telegram орқали юборамиз, – дейишди.

Мен таклиф учун миннатдорлик билдириб, гўшакни қўйдим. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, китобни юборишди.

Делегация келар экан, демак, меҳмонлар орасида ёзувчи ҳам бўлади ва унинг ижодий учрашуви ўтказилса керак. Шундай экан, менга янги роман ёки қисса юборишибди-да. Мен шундай, деб ўйладим. Компьютерни ёқдиму, китобни очдим... Тез орада адашганимни англадим.

Қўлимдаги асар роман ҳам, қисса ҳам эмас эди. Бу бутунлай бошқача бир китоб экан. Мен уни ҳам кўзгу, ҳам компас деб атаган бўлардим. Кўзгу – чунки уни ўқир экансиз, беихтиёр ортга назар ташлайсиз, бошдан кечирганларингизни, мамлакат тарихини, оғир йилларимиз, хатоларимиз, кечинмаларимиз ва умидларимизни эслайсиз. Компас – чунки китоб бизни бугун қаерга кетаётганимиз ва Ўзбекистоннинг эртанги кунини қандай кўришни истаётганимиз ҳақида мушоҳада қилишга ундайди.

Айрим саҳифаларни ўқиб, умримни бошқатдан яшагандек бўлдим.

Ёшим 70га бориб қолган. Самарқандда туғилганман. Тошкент алоқа институтини тамомлаганман. Ўз фикримга ва таққослаш ҳуқуқига эга бўлиш учун етарлича яшаб қўйдим. Шу боис «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобини ўқир эканман, кўз ўнгимда ўтмиш манзаралари, айниқса, сўнгги ўн йилда рўй берган воқеалар беихтиёр жонланди.

Китобда замонавий Ўзбекистон ҳаётидан кўплаб мисоллар келтирилган. Муаллиф бўлиб ўтган воқеалар ҳақида очиқ ва тўғридан-тўғри гапириб, «Кеча нималарга эга эдигу бугун қандай ютуқларга эришдик?» «Келажакда қандай йўлдан боришни мақсад қилганмиз?» каби оғир саволларни ўртага ташлашдан қўрқмайди.

Айнан шунинг учун ҳам оддий китобхон сифатида китоб муаллифи – таниқли давлат арбоби, сиёсатшунос, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқовга самимий миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Аввало, самимияти, қатъий фуқаролик позицияси, воқеаларни юзаки эмас, балки ривожланиши ва ўзаро алоқадорлигида кўриб чиқишга интилгани учун ташаккур.

Вақт оқар сувдек ўтиб бормоқда. Кундалик ҳаёт ташвиши ва юмушлари ичида юриб, инсон ўзгаришларга кўникиб қолар экан. Кечагина деярли имконсиз туюлган нарса бугун оддий бир ҳолдек қабул қилинади. Биз ҳар бир янги корхона, йўл, мактаб, халқаро шартнома, иқтисодий ислоҳот ёки спортдаги ютуқлар ортида қанча меҳнат ётгани ҳақида камдан-кам ўйлаймиз.

Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Катта ўзгаришлар замирида доим инсон меҳнати, билими, шижоати, масъулияти, соғлиғи, баъзан эса бедор тунлари туради.

Авраам Линкольннинг машҳур бир гапи бор: «Келажакни башорат қилишнинг энг яхши йўли уни яратишдир».

Мен бу фикрнинг маъносини чуқур англайман. Дарҳақиқат, келажак шунчаки ўтириб кутилмайди. Уни ўз қўлларимиз билан қуришимиз керак. Бугунги кунни қадрлаш, масъулиятдан қўрқмаслик ва эртанги кун бугундан бошланишини ёдда тутиш лозим.

«МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобини ўқиб, менинг ҳам ортга бир назар ташлагим келди. Ахир, халқимиз кўп нарса қиёсда билинади, деб бежиз айтмайди.

### КЎП НАРСАНИ ЎЗГАРТИРГАН ЎН ЙИЛ

Ўзбекистон ҳаётининг сўнгги ўн йиллигига назар ташлар эканмиз, юз берган ўзгаришлар кўламини кўрмаслик қийин. Гап фақат битта йўналиш ҳақида кетаётгани йўқ. Ташқи сиёсат, иқтисодиёт, қўшни давлатлар билан муносабатлар, бизнес учун шароитлар, транспорт, маданият, туризм, таълим, спорт – барчаси ўзгарди.

Албатта, ҳамма ўзгаришларни бир мақолада санаб ўтишнинг имкони йўқ. Шу боис, узоқ вақтдан бери Ватандан йироқда яшайдиган ва рўй бераётган ҳар бир воқеага олисдаги ватандош нигоҳи билан қарайдиган инсон сифатида мен учун яққол сезилган жиҳатларга тўхталиб ўтаман.

### ҚЎШНИЛАР ЯНА ЯҚИНЛАШДИ

Мен, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлардаги ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайман.

Яқин-яқингача қўшнилар ўртасида чегаралар ёпиқ, кўплаб чекловлар, борди-келди ва ўзаро мулоқотда қийинчиликлар бўлганига бугун ишониш қийин. Баъзан одамга қўшни республикадаги қариндошини кўриб келишдан кўра минглаб километр олисга бориш осонроқ эди.

Сўнгги йилларда кўп нарса ўзгарди. Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан муносабатлари мустаҳкамланди. Одамлар ўртасидаги борди-келди, савдо-сотиқ, маданий алоқалар тикланди.

Бунинг замирида фақат сиёсат ётгани йўқ. Бу асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган халқлар ҳаётининг табиий ришталари қайта тикланишидир.

Ота-боболаримиз «Хурсандчилик ёки кулфатда олдингга биринчи бўлиб олисдаги қариндошинг эмас, қўшнинг етиб келади», деб бежиз айтишмаган. Бу сўзларда бутун бир фалсафа мужассам.

Айнан шунинг учун Марказий Осиёдаги ўзаро ҳурматга асосланган яхши қўшничилик муносабатлари бутун минтақа келажаги учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро майдонда ҳам анча фаоллашди. Мамлакатимизга Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Эрон, Европа ва Яқин Шарқ давлатларининг етакчилари ва ҳукумат раҳбарлари ташриф буюрди.

Ўзбекистонда халқаро анжуман, форум ва саммит, шу жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмаларнинг тадбирлари ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон тобора дунё эътиборига тушмоқда.

### ИҚТИСОДИЁТ: ОДАМЛАР ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ҚИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Менинг замондошларим яхши эслайдиган нарсалар бор. Масалан, валюта конвертацияси. Бир пайтлар банк орқали хорижий валютани расман сотиб олиш ниҳоятда қийин эди. Одамлар конвертацияни ҳафталаб, ойлаб кутишарди. Натижада фуқаролар учун ҳам, тадбиркорлар учун ҳам ноқулай бўлган бутун бир муқобил тизим юзага келганди.

2017 йилда валюта бозори эркинлашди ва вазият тубдан ўзгарди.

Бугун бу табиий ҳолдек қабул қилиниши мумкин. Аммо ўша йиллар билан қиёсланса, ўзгаришлар яққол кўринади.

Яна бир мисол – пахта терими. Кўп йиллар давомида пахта терими деярли умумхалқ мажбуриятига айланиб қолганди. Далаларга талабалар, бюджет ташкилотлари, корхона ва муассасалар ходимлари жўнатиларди.

Бу амалиётдан воз кечилиши сўнгги йиллардаги муҳим ўзгаришлардан бири ва айни пайтда инсон меҳнатига янгича муносабатнинг ифодаси бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилди, хорижий сармоялар фаол жалб этилиб, янги корхоналар ташкил этилди, инфратузилма ривожлантирилди. Тўғри, муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларнинг барчаси ҳал этилди, десак нотўғри бўлади. Бироқ тараққиёт йўлида дадил одим-лаётганимизни ҳам тан олмаслик адолатдан бўлмайди.

### ТИНЧЛИК ҲИМОЯЛАНГАНЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатнинг мудофаа салоҳиятига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Тинчликни истасанг, уни ҳимоя қилишга тайёр бўл, деган гап бор. Шу маънода, қуролли кучлар уруш учун эмас, аввало, уруш уйимизга кириб келмаслиги учун керак.

Бугун Ўзбекистон кучли армия, замонавий мудофаа тизими ва катта ҳарбий салоҳиятга эга. Мураккаб минтақада жойлашган давлатимиз учун бу миллий хавфсизлик, мустақиллик ва халқ осойишталиги масаласидир.

### МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА ТУРИЗМ

Ўзгаришлар тарихий ва маънавий меросга бўлган муносабатда ҳам акс этмоқда.

Ўзбекистон ноёб бойликларга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз шунчаки шаҳарлар эмас. Улар жаҳон тарихининг саҳифаларидир. Бугун улар бутун дунё эътиборида.

Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилди. Юртимиздан етишиб чиққан буюк олим ва мутафаккирлар меросига катта эътибор қаратилмоқда. Улар орасида номи бутун мусулмон оламига машҳур бўлган буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий алоҳида ўрин тутади.

Унинг Самарқанд яқинидаги мақбараси ва ёдгорлик мажмуаси мамлакатнинг энг йирик маърифат марказларидан бирига айланмоқда. Самарқандлик бўлганим учун турли мамлакатлардан миллионлаб одамлар юртимизга нафақат сайёҳ, балки буюк аллома хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун зиёратчи сифатида ҳам келаётгани мени қувонтиради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонга сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошди. «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобида 2025 йилда юртимизга 11,7 миллион, 2026 йилнинг дастлабки етти ойида эса 7,75 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюргани ҳақида маълумотлар келтирилган. Бироқ бу рақамлар ортида кенг кўламли ўзгаришлар бор. Бу – янги меҳмонхона ва ресторанлар, ҳунармандлар, музейлар, савдонинг ортиши, янги иш ўринлари ва дунёнинг Ўзбекистон ҳақидаги янги тасаввуридир.

Бугун меҳмонларни замонавий аэропортлар, «Афросиёб» тезюрар поездлари, шаҳарлараро автобуслар, янги меҳмонхоналар кутиб олишга шай. Лекин энг муҳим жиҳат бўлиб мудом меҳмондўстлигимиз қолади.

### «БАРАКАЛЛА, ЙИГИТЛАР!»

Спортдаги ютуқларимизга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг Жаҳон чемпионатига чиққани миллионлаб инсонларга қувонч бағишлаган тарихий воқеа бўлди.

«Баракалла, йигитлар!» дегинг келади.

Лекин гап фақат футболда эмас. Йигит-қизларимиз Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлмоқда, бокс, дзюдо, шахмат ва бошқа кўплаб спорт турларида муваффақият қозоняпти.

Ҳар бир ғалаба шунчаки медаль эмас. Ўзбекистон байроғи кўтарилган, мадҳиямиз янграган онларда спортчи бутун дунё олдида Ватанимиз элчисига айланади. Шунда беихтиёр оддий бир савол туғилади: «Бизнинг бошқалардан нимамиз кам?»



Ҳеч нарсамиз! Фақат ишлаш, ишониш ва изланишдан тўхтамаслик керак.

### АСОСИЙ БОЙЛИК – ЁШЛАР

Ўзбекистон аҳоли таркибига кўра жуда ёш мамлакат.

Китобда аҳолининг қарийб 40 фоизини йигирма ёшгача бўлганлар, мамлакат фуқароларининг ярмидан кўпини эса ўттиз ёшга кирмаганлар ташкил этиши ҳақида айтилган. Бу – катта куч ва шу билан бирга улкан масъулият.

Ёшларга таълим, касб-ҳунар, иш, оила қуриш имконияти ва келажакка ишонч керак.

Ёшларимиз нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг энг нуфузли хорижий университетларида ҳам ўқиши, тажриба орттириши, замонавий касб ва технологияларни ўзлаштириши муҳим. Аммо бу тажриба пировардида ўз Ватанига хизмат қилиши ундан ҳам муҳим.

Мен буни уммон тўлқинига ўхшатаман. Тўлқин қирғоққа интилади, ўзи билан катта куч олиб келади ва яна уммонга қайтади. Ёшлар ҳам худди шундай. Майли, йигит-қизларимиз турли мамлакатларга борсин, ўқисин, дунёни кўрсин, дипломлару илмий даражалар олсин, маҳоратини оширсин. Лекин бир кун келиб бу катта кучнинг салмоқли қисми Ватанга қайтиб келсин. Уйлар, корхоналар қуриш учун, одамларни даволаш учун, болаларни ўқитиш учун, илм билан шуғулланиш учун, янги технологияларни ишлаб чиқиш учун ва Янги Ўзбекистонни барпо этишни давом эттириш учун.

Яқинда бир қизиқ маълумотга кўзим тушди. Қорақалпоғистон, Гулистон, Хоразм ва Фарғонадаги тўртта мактаб ўн биринчи синф битирувчиларининг барчаси олий ўқув юртларига кирибди. Агар шундай бўлса, устозларга ҳам, ўқувчиларга ҳам тасанно!

Бундай натижалар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Улар ортида меҳнат, талабчанлик, ўқитувчининг болага бўлган ишончи ва ўқувчининг мақсад сари интилиши ётади. Демак, хоҳиш бўлса, кўп нарсага эришиш мумкин экан.

Бугун Ўзбекистонда нақадар иқтидорли ёшлар вояга етаётганини кўриш жуда қувонарли.

### БИЗ ҲАМ БИР ПАЙТЛАР ЁШ БЎЛГАНМИЗ

Бу мавзу мен учун нега муҳим? Сабаби бир пайтлар ўзим ҳам шаҳар ёшлар ташкилотида ишлаганман ва бу мактабдан ўтганимдан бахтиёрман.

Биз ўзимизни битта катта оиладек ҳис қилардик. Умумий ишларимиз, дўстлигимиз, баҳслар, режаларимиз бўларди. Ёшлар корхоналар, шаҳарлар, йўллар қурилишида қатнашарди.

Бугун собиқ комсомол ходимлари ва фаоллари кекса авлод вакилларига айланган. Лекин бизда тажриба, билим, алоқалар, хотира бор. Булар ҳам мамлакатга фойда келтириши мумкин.

Катта авлод ёшлар келажакни қураётганини шунчаки четдан кузатиб турмаслиги керак. Агар маслаҳат, тажриба, билим билан ёрдам бера олсак, нур устига нурдир. Ёшларга буйруқ, панд-насиҳат эмас, айнан ёрдам бериш керак. Чунки улар – келажак эгалари.

### ВАТАННИ ДУО ҚИЛИБ...

Халқимизга хос яна бир жиҳат борки, уни, айниқса, Ватандан олисда яшаганингда қадрлай бошлайсан.

Дастурхон атрофида, тушликдан сўнг, оиланинг улуғи қўлларини дуога очади. Бошқалар ҳам унга эргашади ва дуо ўқилади:

«Юртбошимизнинг бошлари омон бўлсин, юртимиз тинч бўлсин, болаларимизнинг келажаги порлоқ бўлсин, меҳнат қилганларга барака берсин, ёмонларга инсоф берсин, ўтган бобокалонларимизнинг руҳлари шод бўлсин, Яратганнинг ўзи ҳаммамизни ўз паноҳида асрасин».

Бу сиёсий шиор эмас. Бу – юрт тинчлиги, оила фаровонлиги ва фарзандлар осойишталигини доимо олий қадрият деб билган халқнинг кўп асрлик анъанаси.

### ОЛДИНДА ҲАЛИ ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР КЎП

Эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслик керак. Хотиржамликка берилган заҳотиёқ ривожланиш тўхтайди.

Ҳар бир ҳаракат қарши ҳаракатни келтириб чиқаради. Бу ҳаёт қонуни. Халқимизда «Ҳаракатда – баракат», деб бежиз айтилмайди. Асосий вазифа бир кун келиб: «Ҳаммасини бажардик», деб эълон қилишдан иборат эмас. Давлат ҳаётида бундай куннинг ўзи бўлмайди.

Муҳими, олдинга юришда давом этиш, хатоларни тузатиш, одамларни тинглаш, танқиддан қўрқмаслик, эришилган ютуқларни сақлаш ва янги марралар сари интилиш керак.

Бугун мен Ўзбекистонни олдинга интилаётган мамлакат сифатида кўряпман. Бу ҳаракат ҳатто узоқдан – Америкадан ҳам кўзга ташланяпти.

### ВАТАН УЗОҚЛАШГАН САРИ ЯҚИНЛАШАДИ

Эҳтимол, узоқ йиллар юртидан йироқда яшаган инсон Ватанни бироз бошқачароқ идрок этар. Олисда бўлганингда она тили, нон иси, Самарқанд тонги, қадрдон дўст овози, ўзбекча қўшиқ, оддийгина «маҳалла» сўзининг қадрини янада чуқур англай бошлайсан.

Ўз юртинг ҳақидаги китобни минглаб чақирим узоқликда ўқиганингда, саҳифалар бутунлай бошқача қабул қилинади. Кўз олдингда одамлар, воқеалар, шаҳарлар гавдаланади. Ичингда ҳам ғурур, ҳам саволлар, ҳам хавотир, ҳам умид уйғонади. Буларнинг барчаси бир сўз билан Ватан деб аталади.

«МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобини ўқиганимда айнан шундай туйғуларни ҳис этдим, китоб тақдимоти менда ана шундай илиқ таассуротлар қолдирди.



**Аъзам АҲРОРОВ,**
*тадбиркор,*
*оптик толали алоқа*
*бўйича мутахассис,*
*Илҳом Каримов номидаги*
*Тошкент бизнес-клуби*
*аъзоси*

АҚШ, Нью-Йорк шаҳри.

Миллат ахлоқи, фазл ва ҳунар ила боқий қолур.
Маҳмудхўжа Беҳбудий

**Журналистика факультетида ўқишни бошлаганимда, ҳарбий хизматда ишлаб топган пулимга «Зенит» фотоаппаратини сотиб олдим. Ўша вақтда «Журфак»да бармоқ билан саноқли талабаларда фотоаппарат бор эди. Факультетда дастлабки билимларни олдик, лекин амалиётда ишлаётган бирор таниқли устоз этагидан тутиш ҳам зарур эди.**



# БАРМОҚ УЧИДАГИ ЮРАК

Эссе

Ўйлай-ўйлай ўз услуби ва маҳорати билан ажралиб турадиган фотожурналист Абдуғани Жумаевга шогирд тушишга қарор қилдим. Уни излаб, «Гулистон» журнали таҳририятига бордим. Торгина устахонада учрашдик. Муддаомни индамай эшитди. Бир нечта савол берди. Гарчи жавобларимдан қониқмаган бўлса-да, шаштим қатъийлигини сезди чоғи, ўргатишга рози бўлди.

Абдуғани акага илк маротаба шогирд сифатида «Баҳор» рақс ансамблининг тилга тушган раққосасини суратга олиш жараёнида ёрдамчи бўлдим. Вазифам – ёриткичларни кўтариб туриш.

Икки ярим соат давом этган суратга олиш жараёни жой танлаш ва чироқларни ўрнатиш билан бошланди. Раққоса гўзал эди – миллий либосда, ҳаракатлари мусиқага мос товланарди. Бир қарашда барчаси тайёр, яъни нур бор, рақс бор, гўзаллик бор. Фотоаппарат объективини тўғрилаб, «затвор» тортилиб, «кнопка» босилса, бас, чиройли сурат пайдо бўлади. Лекин Абдуғани ака учун бу етарли эмасди. У раққосани айланиб суратга оларди. У рақсни томоша қилмасди, рақснинг ичида юрарди. Раққосанинг ҳаракатига мос равишда ракурс алмашарди, ерга чўккаларди, тикка турарди, яқин келарди, ортга чекинарди. Гўёки у ҳам рақсга тушарди, фақат бу рақс камера билан эди.

Икки ярим соат ичида раққоса ҳолдан тойди, «Репетицияда ҳам бунчалик чарчамаганман», деди. Лекин фотожурналист чарчоқни ҳам, тўхташни ҳам билмасди. У оний лаҳзалардан гўзал лаҳзани тутиш ҳаракатида эди. Унга лаҳза керак эди. Лаҳзаки, рақс ичидаги бир зумлик тўхташ, кўзда чақнаган нур, қўл ҳаракатидаги маъно, юздаги чарчоқ билан гўзаллик тўқнашган нуқта...

Ўшанда Абдуғани акага ҳамроҳлик қилиб, санъат даражасидаги лаҳзани тутиш учун фотожурналистда маҳорат бўлиши кераклигини англагандим.

У вақтларда рангли плёнка топилмасди, топилса ҳам қиммат. Ўша куни фотограф учта плёнкани ишлатди. У ўйлаган, излаган ва муҳрлаган лаҳзалардан бири «Гулистон» журналининг рангли муқовасида чоп этилди.

«Фотографнинг юраги – бармоғи учида». Устоз айтган бу гап орадан ўттиз йилдан зиёд вақт ўтса-да, мен учун фотография ҳақидаги энг мукаммал таъриф бўлиб қолди. Бу фикр фотография санъатининг моҳиятини жуда нозик ифодалайди. Юрак – инсоннинг ҳиссиёти, меҳри, дарди, орзуси жам бўлган қиёси йўқ макон. Фотограф кадрга қандай кўз билан қарайди, қайси онни танлайди?.. Барчаси унинг ички дунёсига боғлиқ. Фотографнинг бармоғи «кнопка»га теккан он – тақдирий лаҳза. Ана шу бир сонияда он танланади, вақт «муҳрланади», ҳиссиёт суратга кўчади. Яъни юракда туғилган туйғу бармоқ орқали муҳрланади.

Суратга олишда техника катта роль ўйнайди, аммо охирги нуқтани инсон қўяди. Энг қиммат аппарат ҳам, агар ортида юрак бўлмаса, жонсиз тасвир олади. Аксинча, арзон техника билан ҳам қалб қўри қўшилган КАДР томошабинни ларзага солиши мумкин. Ҳақиқий фоторассом лаҳзани кўз билан кўрмайди, юрак билан сезади.

Вақт ўзгарди. Техника ривожланиб, имкониятлар кенгайди. Авваллари сурат учун дақиқалар керак эди, ҳозир эса бир сония ҳам ортиқчадек. Аммо Абдуғани ака бу тезлик ичида ҳам сукутни йўқотмасликка уринади. Отилган ўқни ҳавода «тутиб қолиш» мумкин бўлган даврда ҳам, инсон юзидаги бир зумлик титроқни тутиш унга муҳимроқ. Чунки технология лаҳзани тўхтатади, қалб эса маъно беради.


У бир қолипда ижод қилмайди. Баъзан портретчи сифатида инсон юзида бутун бир умрни ўқийди. Баъзан фотожурналист бўлиб, ҳодиса ўртасида, шовқин ичида замоннинг овозини тутиб олади. Баъзан манзара тортади – тоғлар, йўллар, само билан сўзсиз суҳбат қуради. Устоз учун йўналишлар дунё билан тиллашиш усулларидир.

Миллийлик, миллий колорит масаласи Абдуғани Жума ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, миллийлигимизни фақат ўзимизнинг фотографлар кўрсата олади, четдан келадиган профессионаллар минг марта яхши суратга олишмасин, барибир, ташқи томондан ёндашади.

Миллийлик – нафақат ранг, либос ёки безак, балки инсоннинг қадамидаги оҳанг, кўзидаги нур, сукутидаги маъно. Хорижлик маҳоратли фотограф юртимиз саҳарини олтин нурга чўмдириб тасвирлаши мумкин. Лекин унинг кўзида ҳайрат бўлса-да, қалбида хотира йўқ. Яъни у деворни кўради, аммо девор ортидаги болалик овозини эшитмайди. У бозорни кўради, лекин бозордаги нон ва мева-чевалар ҳидини танимайди. Ўзимиздан чиққан фоторассом эса суратга шакл эмас, руҳ жойлайди. Миллийлик ташқи белгилардан эмас, ички оҳанглардан қидирилади. Шу боис Абдуғани Жуманинг кадрларида юрт шовқини эмас, юрт нафаси сезилади. Устознинг юрт тупроғидан тортиб, чўлу биёбонигача, оддий инсонлардан то сиймоларгача олинган суратларига зимдан боқсангиз, ҳаммасини дилдан англайсиз.









Юқорида фоторассом атамасини ишлатдик. Унинг оддий фотограф ёки фотожурналистдан фарқини ҳам илк бор Абдуғани акадан эшитгандим: «Фотография аслида санъат сифатида пайдо бўлган. Уни кашф этганлар энг илғор, янгиликка интилувчан рассомлар бўлишган. Фотография тасвири айнан рассомчилик анъаналари асосига қурилган. Шу боисдан бундан юз йиллар бурунги фотография бугунгига нисбатан бадиий жиҳатдан пишиқроқ бўлган. Бу касб билан шуғулланган киши ўз даврининг иқтидорли зиёлиси саналган. Бугунги кунда фоторепортёр ва фотожурналист деган тушунчалар бор. Биринчиси таҳририят топшириғи билан у ёки бу воқеа-ҳодиса ҳақида фотоахборот тайёрлаб беради. Бирор бир мавзу бўйича камида фоторепортаж, фотоочерк ёки кенг қамровли фотопублицистик материал тайёрлай оладиган мутахассисни эса фотожурналист, деймиз. Бу ўринда унинг шахси, интеллектуал даражаси, билими, бадиий мушоҳадаси, жамиятга муносабати кўп нарсани ҳал қилади.

Фоторассом универсал ижодкор. У фотолавҳа, фоторепортаж, фотоочеркларни тайёрлаш жараёнида шундай образлар яратадики, улар воқеликнинг оддий инъикоси эмас, балки унинг асосий моҳиятини таъсирчан даражада акс эттириш билан бирга, юз берган тарихий ҳолатни тасвирлаш орқали кузатувчини фикрлашга, ўйлашга ва ўз муносабатини белгилашга ундайди. Ижодкор шахс, яъни фоторассом катта ижтимоий вазифанинг бадиий ечимини қидиради ва топади».

Мен дарсларда талабаларга фотожурналистикани мукаммал эгаллашларини маслаҳат бериб, уларга Журналистлар уюшмаси томонидан чоп этилган «Олтин қаламли журналистлар» қўлланмаси «Фотожурналистика» бўлимида Абдуғани аканинг «Фотожурналист маҳорати» мақоласи ва у саралаган суратларни чуқур ўрганишни ҳам тавсия қиламан. Устознинг фотокўргазмаларига, ижодхонасига боришларини, суҳбатидан баҳраманд бўлишларини айтаман.

«Етук фоторепортёр ҳодиса бошланишидан олдин унинг табиатини ҳис қилишга ҳаракат қилади. У воқеликка сирт-дан қараб, ўз тасаввурида бутун манзарани йиғади: қаерда нур ётиши мумкин, қай жойида ҳаракат авж олади, қай нуқтада инсон юзида энг рост туйғу очилади. У кадрларни олдиндан кўра олади. Шунинг учун ҳам тугмани босганда тасодиф эмас, унинг тайёргарлиги «гапиради».

Бу фикрлар Абдуғани Жуманинг мақоласидан ва номи юқорида зикр этилган китобдаги «Бунёдкорлик эпопеяси» ва бошқа фоторепортажларидан олинган таассуротлардир. Уларни ҳар бир мухлис ўқиб, уқиб, кўриб, ўрганиб ўзгача фикрларга ҳам келиши, шубҳасиз.

Устознинг бошқа бир интервьюсидан яна бир иқтибос: «Ҳар қандай ижод ҳиссиётлар билан туғилади. Фотография ҳам худди шундай. Аввало, фотографнинг ҳиссиётлари бўлиши керак. Кейин ташқи сезги, рангни кўра олиш, ёруғликни ажрата билиш, композицияни тасаввур қилиш қобилиятига ҳам эга бўлиш лозим».

Мана шундай маҳорат соҳиби Абдуғани Жума 1953 йил 8 февраль куни Навоий вилоятида туғилган. Журналистикада ўқимаган, 1979 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)ни тамомлаган. Лекин қизиқишлари уни «Гулистон», «Саодат», «Ёшлик» журналларида фотомухбир сифатида самарали меҳнат қилишга ундаган. Унинг 20га яқин шахсий фотокўргазмаси республикамиз ҳамда хорижий давлатларда намойиш этилган. «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азиз» каби нуфузли танловлар ғолиби бўлган.

Устознинг узоқ йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан эътироф этилиб, «Шуҳрат» медали, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланган. Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин медалига ҳам сазовор бўлган.

Яна бир муҳим гап. Гарчи мен ҳаёт йўлимда фотожурналистика билан профессионал даражада шуғулланмаган бўлсам-да, устоздан олган билимларим таҳририят ижодий ишини ташкил қилишда, китоблар чоп этиш, ҳатто, дарсларимда ҳам асқатди.

Устоз Абдуғани Жума бугун донишмандлик довони – етмиш ёшдан ошди. Фотожурналистикамиз тирик афсонасини ёш журналистлар қадрлашларини, ғанимат дунёда унинг борлигидан унумли фойдаланишларини истар эдим.

**Ҳалим САЙИД,**
*«Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори*

**СУРАТЛАР:** *Абдуғани Жума ижодидан лавҳалар*

*Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллигига*

**Халқимиз учун энг қадрли кунни нишонлаш арафасидамиз. Бу йиллар давомида орзиқиб кутилган, кимнингдир армонига, яна кимнингдир фожиасига айланган озодлик куни. Мамлакатимизда мана чорак асрдирки, мустақиллик куни арафасида яна бир қутлуғ сана алоҳида нишонланяпти. Бу 31 август – қатағон қурбонларини ёд этиш куни. Истиқлол байрамидан бир кун олдин айни шу тарихий воқеа учун жонини қурбон қилган минглаб ватандошларимиз хотираси ёдга олинишида ўзига хос моҳият акс этади.**

# БОБОЛАР ОРЗУСИДАГИ КУНЛАР

### МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

1991 йил 31 августда ҳеч қандай қон тўкмасдан тинч йўл билан эълон қилинган давлат мустақиллиги аслида ота-боболаримизнинг қарийб юз йиллик шонли кураши, саъй-ҳаракатлари, умид ва интилишлари самараси эди. Бугун катта хурсандчилик билан нишонлаётганимиз истиқлол ана ўша зотларнинг заҳматли фаолиятлари эвазига юзага келганини унутиб бўлмайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган озодлик учун ҳаракатларнинг барчаси аёвсиз бостирилган, кутилган натижани бермаган бўлса-да, кейинчалик қатъий йўлга қўйилган маърифий курашлар халқ онгида миллий мустақилликка бўлган интилишларга дастак бера олди. Хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг янги давр ва интеграциялашув жараёни билан боғлиқ салмоқли ғоялари, Мунавваркори Абдурашидхоновнинг миллат тараққийсида етакчи мавқе ҳисобланган таълим ислоҳоти тамойили, Абдулла Авлонийнинг оммавий тарғиботчиликдаги мустаҳкам позицияси, Абдулла Қодирийнинг миллатнинг эртанги куни – келажакни кўзлаб илгари сурган бебаҳо фикрлари ўз даврида катта муваффақият қозонгани шубҳасиз. Афсуски, бу каби фикрий ва маърифий ҳаракатларнинг барчасига қонли қирғинбарот ва қатлиом билан жавоб берилди.

Биз юқорида санаб ўтганларимиз ўша давр фидойиларининг жуда кам қисми, холос. Улар орасида минг-минглаб ватанпарвар зиёлилар бўлгани маълум. Ҳатто, ҳеч бир фикрий-амалий ҳаракатларга алоқаси бўлмаса ҳам фақатгина қалбида ўз Ватанига муҳаббати сабабли таҳқирланиб қатағонга учраган кишилар жуда кўп.

### БИР ТУП ТУТ ВОҚЕАСИ

Истиқлолнинг бутун халқимиз учун оламшумул имконият эканини қиёс ва таҳлиллар воситасида кузатиш мумкин. Мустабидлик сиёсати ҳар бир хонадон, ҳар бир оила бошига катта зуғумлар солгани сир эмас. Мен ўз оилам миқолида истибдоднинг бир хонадон бошига солган аянчли кунларини яхши биламан.

Қирқинчи йилларнинг охирида бобомни давлат мулкини талон-торож қилишда айблаб, ҳибсга олишган. «Давлат мулки» сифатида қаралаётган нарса – бир туп тут дарахти.

Бобомнинг «Мен наинки давлат мулкига, шу пайтгача бировнинг тирноқча нарсасига қўл теккизмаганман», деган самимий гапларига қарши унинг уйи томидан «топилган» тут новдаларини ашёвий далил сифатида кўрсатиб, ҳибсга олишади. Уйда эса, вояга етмаган уч нафар қизи билан ҳомиладор аёли чинқириб қолади.

Узоқ давом этган тергов-суриштирув ишларидан сўнг ўзига қўйилаётган айб фақат туҳмат эканини айтиб, қатъий инкор этса-да, бобомни сургунга ҳукм қилишмоқчи бўлишади. Қариндош-уруғлар бор-будини сотиб, «давлатга етказилган зарар»нинг «ўрни»ни қоплашади. Шундан сўнг «ўз қилмишига чин юракдан пушаймон» экани, эндиликда бундай «иш»га қайта қўл урмаслиги ҳамда оилавий аҳволини инобатга олиб, бобомга бериладиган жазо истисно тариқасида уй қамоғига алмаштирилади.

Аслида бир инсонни жамиятдан мутлақо четлаштириб, бир умр уйдан чиқмайдиган қилиб қўйишдан кўзда тутилган бошқа бир мақсад борлиги аён. Бу маҳаллий халқ ичида катта обрў-эътиборга эга ҳамда маънавий таъсир ўтказиши мумкин бўлган – миллатнинг бир фидойиси, бир ватанпарвар инсонни ёмонотлиқ қилиб, уни халқдан, халқни ундан узоқлаштиришнинг манфур режаси бўлган эди. Ўз даврининг барча илмларини чуқур эгаллаган бобом саводсизга чиқарилди. «Эскилик тарафдори» бўлган қолоқ бир кимса сифатида қаралди. Бутун умр таъқиб этилди. Қўлидаги мол-дунёси турли йўллар билан тортиб олинди. Ўзи халқ орасида обрўсизлантирилиб, «ёт унсур»га айлантирилди.

Мустабидлик зуғумини чеккан биргина инсон ва оила мисолида бутун бир халқ турганини мулоҳаза қилсак, мустақилликнинг биз учун нақадар азиз, улуғ ва буюк неъмат эканига қайта-қайта амин бўламиз.

### ХАЛҚНИНГ КАТТА УМИДИ

«Дада, уруш бошланганида сиз ҳам бўлганмисиз?» дея саволга тутади беш яшар ўғлим. Унинг учун уруш жуда катта саргузаштлар олами, қаҳрамонликлар мавриди бўлиб туюлса керак. Лекин мен йиллар давомида халқнинг тинка-мадорини қуритган, миллатни емирган, ҳатто ер-сув, атроф-табиатга ҳам ўз таъсирини ўтказган урушларнинг аччиқ-аччиқ аламини ўғлимдан кўра яхшироқ англайман. Ота-боболар шаъни, қадр-қиймати, инсонийлиги, ор-номуси ва шахсиятига қаратилган талатўпларнинг дуди халқ вужудидаги кесиб ташланган аъзо каби кемтик бўлиб тураверади.

Бугун катта байрам шодиёналарида ўша кунлар ва уларда қаҳрамонона матонат кўрсатган аждодлар хотираси унутилмаслиги зарур. Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги, элюрт тинчлиги йўлида жон фидо қилганларга бу кунларни кўриш насиб бўлмади. Биз эса мустақиллик нашидасини улар учун ҳам баланд тутишимиз, ардоқлашимиз керак.

Учинчи Ренессансга мустақил давлатда пойдевор қўйилди. Уни барпо этишда аждодларнинг кўп йиллик илғор тажрибаларига асосланилади. Энди қалбимизда истибдод қўрқинчи йўқ. Унинг ўрнига эртанги кунимизга катта ишонч ва умидлар бор. Ҳамманинг қалбида байрамона шукуҳ балқиб турган кезларда халқнинг катта умиди, албатта, рўёбга чиқади, деб ишонамиз.

**Ғуломиддин ОЗОД**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоа аъзолари Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси – Федерация раиси ўринбосари Анваржон Акрамжонович Абдумухторовга бобоси

**Ғопиржон ҳожи НОРТОЖИЕВ**

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоа аъзолари Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг собиқ маслаҳатчиси, меҳнат фахрийси

**Ғофуржон Юсупович ҲАМИДОВ**

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.




**MUASSIS:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

**2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:**

**Qudratilla RAFIQOV**
*(tahrir hay’ati raisi),*
**Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o’rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog’iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-94) 688-00-27
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-91) 193-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg’ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:**
Alijon ABDURAHMONOV

**Musahhihlar:**
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

**Sahifalovchi:**
Hasan ABDUJALILOV

**Bosishga topshirish vaqti –** 22:00
**Topshirildi –** 22:30

**Bahosi kelishilgan narxda**

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:**
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 35 006 ta**
**Shundan: 6 521 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;**
**19 294 nusxasi**
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
**Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;**
**9 191 nusxasi**
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-811**
123456